

15. 100 открытий и изобретений новой России / А. Н. Асаул, А. В. Звягина, А. А. Литвинцев [и др.] // *Отечественной экономике - инновационный характер: материалы XIX научно-практической конференции, Санкт-Петербург, 30–31 октября 2017 года.* – СПб.: АНО "ИПЭВ", – 2017. – С. 11-194.
16. The practical barriers to kickstarting the innovation and investment in the sphere of construction in Russian Federation / A. Asaul, M. Asaul, I. Drozdova [et al.] // *E3S Web of Conferences Volume 274 (2021) : 2nd International Scientific Conference on Socio-Technical Construction and Civil Engineering (STCCE - 2021), Kazan, 21–28 апреля 2021 года.* – France: EDP Sciences, 2021. – P. 5006. – DOI 10.1051/e3sconf/202127405006.
17. Трубицына Г.Н. Оценка возможности использования наножидкостей в системах теплоснабжения и вентиляции / Г.Н. Трубицына, В.В. Барзенкова, В.С. Фроликова. // *Молодой исследователь: вызовы и перспективы: сб. ст. по материалам X Международной научно-практической конференции.* – № 8 (10). – М.: Интернаука, – 2016.
18. Суртаев А.С., Сердюков В.С., Павленко А.Н. Нанотехнологии в теплофизике: теплообмен. // *Российские нанотехнологии.* – 2017. – Т. 11. – № 11-12. – С. 18.
19. Дмитриев А.С., Клименко А.В. Преобразование солнечного излучения в пар – новые возможности на основе наноматериалов (обзор)//*Теплоэнергетика.* – 2020. – №2. – С. 3-19.
DOI: [10.1134/S0040363620020010](https://doi.org/10.1134/S0040363620020010)
20. Зобов К.В., Труфанов Д.Ю., Бардаханов С.П., Прокудин В.А., Гапоненко В.Р. Исследование предельного уровня осаждения нанопорошков в жидкости и газе // В книге: *Динамика многофазных сред (ДМС-2021). Тезисы докладов XVII Всероссийского семинара с международным участием.* Новосибирск, 2021. С. 26.
21. Морозова М.А. Теплопроводность и вязкость наножидкостей: Дис. на соиск. учен. степ. канд. ф-м. наук: (01.04.14) / Институт теплофизики им. С.С. Кутателадзе сибирского отд. РАН. Новосибирск. – 2019.
22. Roy S. [et al]. Heat transfer performance of silver/water nanofluid in a solar flat-plate collector. *Journal of Thermal Engineering, Vol.1(2), 2014. Pp 104-112.*
23. Левин Ю.А., Никитин А.А., Конопов М.В., Иванов Л.А. Потенциал нанотехнологий: вопросы теплоснабжения и отопления зданий. // *Нанотехнологии в строительстве: научный интернет-журнал.* 2020. – Том: 12. – № 2. – С. 89-93. DOI: 10.15828/2075-8545-2020-12-2-89-93
24. Минаков А.В., Гузей Д.В., Лобасов А.С., Дектерев Д.А., Прыжников М.И. Расчетно-экспериментальное исследование вынужденной конвекции наножидкости в прямоточном теплообменнике // *Журнал Сибирского федерального университета.* – 2014. – Том 7. – №1. – С.32-47.
25. Левин Ю.А. Оценка эффективности электрификации средне- и низкотемпературных процессов промышленности: Дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук: (08.00.21) / Гос. н.-и. энергет. ин-т им. Г. М. Кржижановского. – Москва, 1986.
26. Асаул А.Н., Асаул М.А., Левин Ю.А., Платонов А.М. Энергоснабжение изолированных территорий в контексте привлечения инвестиций и развития экономики региона. // *Экономика региона.* 2020. – Том: 16. – № 3. – С. 884-895 DOI: 10.17059/ekon.reg.2020-3-16
27. Козин В.Е., Левина Т.А., Марков А.П. и др. Теплоснабжение: учебное пособие. – М.: Высшая школа, – 1980. – 407с.
28. Girfanova V.V., Gevorgyan A.G., Velkin V.I. The analysis of possibility in nanofluid application as the heat carrier for increase in efficiency of heat supply systems. // *International Journal of Professional Science.* 2018. № 3. Pp. 35-38.
29. Антонов В.Н., Агапатов Е.Б., Байкова Д.А. Перспективы применения жидкостей с наночастицами в теплоэнергетике. // *Актуальные проблемы современной науки, техники и образования.* – 2016. – Том 1. – С. 207-210
30. Терехов В.И., Калинина С.В., Леманов В.В. Механизм теплопереноса в наножидкостях: современное состояние проблемы (обзор). Часть 2. Конвективный теплообмен. // *Теплофизика и аэромеханика,* – 2010. – том 17. – № 2. – 15с.
31. <https://doi.org/10.1016/j.prime.2021.100009>
32. Gholamabbas Sadeghi "Energy storage on demand: Thermal energy storage development, materials, design, and integration challenges" *Volume 46, April 2022, Pages 192-222* <https://doi.org/10.1016/j.ensm.2022.01.017>
33. https://www.technologieland-hessen.de/mm/NanoEnergy_web.pdf
34. Фирцева С. В. Оценка состояния теплоэнергетики в тюменской области. – М., 2019г., 43 с.
35. Соломин Илья Николаевич, Даминов Айрат Заудатович, Садыков Ренат Ахатович Оптимизация режимов эксплуатации и параметров систем централизованного коммунального теплоснабжения. // *Известия КазГАСУ.* 2018. №2 (44). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-rezhimov-ekspluatatsii-i-parametrov-sistem-tsentralizovannogo-kommunalnogo-teplosnabzheniya> (дата обращения: 07.11.2022).
36. Сечин А.И., Задорожная Т.А. «Обеспечение устойчивой работы аппаратов кипящего слоя, перерабатывающих пожаровзрывоопасные продукты» Томск, 2014 г. 171с.



ТЎҶИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Баҳодиров Нўмонхон Камолхонович -
Фарғона политехника институти
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a63

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган тўқимачилик саноати корхоналарининг самарадорлиги таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида Фарғона вилоятининг тўқимачилик саноати танлаб олинган ва эришилган натижаларга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи ижобий ва салбий ҳолатлар баён қилинган. Статистик маълумотлар ва таҳлилларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати, маҳсулдорлик, самарадорлик, таъсир қилувчи омиллар, ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат унумдорлиги.

АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВА
ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

*Баходиров Нуъмонхон Камолхонович -
Самостоятельный соискатель,
Ферганский политехнический институт*

Аннотация. В данной статье проводится анализ эффективности предприятий текстильной промышленности, действующих в нашей стране. В рамках исследования была выбрана текстильная промышленность Ферганской области и изучены и оценены факторы, влияющие на достигнутые результаты. Описаны положительные и отрицательные ситуации, влияющие на эффективность производства. На основе статистических данных и анализа даются предложения и рекомендации по повышению эффективности производства.

Ключевые слова: промышленное производство, производительность, эффективность, качество без последствий, технологии производства, производительность труда.

ANALYSIS OF FACTORS AFFECTING THE PRODUCTION EFFICIENCY OF
TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES

*Bakhadirov Numonkhan Kamolkhanovich -
independent applicant of
Fergana Polytechnic Institute*

Annotation. This article analyzes the efficiency of textile industry enterprises operating in our country. As part of the research, the textile industry of Fergana region was selected and the factors influencing the results were studied and analyzed. Positive and negative situations affecting production efficiency are described. Based on statistical data and analysis, suggestions and recommendations are given to improve production efficiency.

Key words: textile industry, productivity, efficiency, influencing factors, production technologies, labor productivity.

Кириш. Тўқимачилик Европа Иттифоқи иқтисодиёти учун муҳим тармоқ ҳисобланади. 2019 йилда Европа Иттифоқининг тўқимачилик ва тикувчилик сектори айланмаси 162 миллиард еврога ташкил этди, бунда 160 мингта компанияда 1,5 миллиондан ортиқ киши ишлайди. Кўпгина соҳаларда бўлгани каби 2019 ва 2020 йиллар оралиғида COVID-19 пандемияси давридаги иқтисодий инқироз тўқимачилик айланмасини 9 фоизга ва кийим-кечакни 17 фоизга камайтирди. 2020 йилда Европа Иттифоқида 6,9 миллион тонна тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган [1]. Шу боис мазкур соҳа ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини кучайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш каби масалаларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2020 йилда Европа Иттифоқи уй хўжаликлари томонидан сотиб олинган барча кийим-кечак, пойабзал ва маиший тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тахминан 175 миллион тонна бирламчи хомашё ишлатилган, бу киши бошига 391 килограммга тўғри келиб, бунинг тахминан 40 %и кийим-кечак, 30 %и маиший тўқимачилик ва 30 %и пойабзалга тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида тўқимачилик саноати айланма иқтисодиёт ҳаракати режасида асосий қиймат занжири сифатида белгиланади.

Хавфсизлик нуқтаи назаридан тўқимачилик саноатининг атроф-муҳит ва иқлимга салбий таъсирини камайтириш, тўқимачиликда айланмаликни ошириш учун дизайн тамойиллари ҳамда чора-тадбирларини ишлаб чиқиш соҳа самарадорлигини оширишга қаратилган муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳозирги кунда тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳам бандлик ва миллий саноат қўшилган қиймати жиҳатидан стратегик роль ўйнайдиган ишлаб чиқариш тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Юқори оқимдан қуйи оқимга интеграциялашган саноат тузилмаси ва бошқа тармоқлар ўртасида жуда яқин алоқага эга бўлганлиги сабабли тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотлари бўйича таҳлил саноатнинг турли сегментларига бевосита ёки билвосита таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасидаги тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотлари айна даврда энергия нархининг қимматлиги ва фойдаланишдаги узилишлар, ноқулай трансформация инфратузилмаси ҳамда эски тўқимачилик технологиялари каби бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. Бу эса тўқимачилик саноатининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Саноатнинг маҳсулдорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш учун самарадорликни ошириш ва ушбу секторда иш фаолиятини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидаги тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотлари бошқа мамлакатлар маҳсулотлари билан рақобатлаша олиши даражасига етмоқда. Бу эса ўз навбатида, саноатни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун бозорни кенгайтириш ва кўпроқ меҳнатни ўзлаштирадиган ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда самарадорликни оширишга ундайди. Ишлаб чиқаришда самарадорликни баҳолаш ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Тўқимачилик саноати корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва самарадорликка таъсир этувчи турли омиллар иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўрганилган. Мутахассислар томонидан ўз даврида олиб борилган ўрганиш ва тадқиқот натижаларига асосланиб, тўқимачилик корхоналарининг самарадорлигига оид фикр-мулоҳазалар ва хулосалар айтиб ўтилган.

Жумладан, Д.Ж.Сумант самарадорлик тушунчасига ҳар хил турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун меҳнат, капитал, ер, материаллар, энергия ва ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланиш сифатида қараган [2].

Л.Ҳ.Амато ва Ҳ.А.Кристилар 1977-1992 йилларда жами омил унумдорлигининг ўсиши билан экспорт ва импортнинг ўсиши ўртасидаги муносабатларни ўрганишган. Уларнинг таъкидлашича, импортнинг ўсиши маҳсулдорлик омилларининг умумий сонига ижобий таъсир қилади [3].

Шунингдек, Алтомонте таъкидлаганидек, корхона иқтисодиётига импортнинг кириб бориши корхона самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади [4].

И.Жажри ва И.Раҳмаҳ 1984-2005 йилларда техник тараққиётнинг Малайзиядаги кичик ва ўрта саноат ишчиларининг унумдорлигига таъсирини ўрганишган. Уларнинг фикрига кўра, техник тараққиётнинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир этиши ҳамда ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ортишига сабаб бўлади [5].

Шунингдек, Р.Н.Жоши ва Сингх 2003-2007 йиллар мобайнида Ҳиндистонда тикувчилик саноатининг умумий маҳсулдорлик омиллари бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Улар томонидан тўқимачилик ва тикувчилик саноати унумдорлигига таъсир қилувчи бир нечта омиллар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Уларнинг фикрига кўра, ишчиларга яратилган меҳнат шароити, меҳнат унумдорлиги, хорижий капиталнинг улуши саноатнинг рақобатбардошлик даражасига таъсир қилади [6].

Алварес ва Себастьян 1990-2000 йилларда Хитой маҳсулотларининг ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноатига таъсирини

аниқлашда эконометрик модель ёндашувини қўллаш бўйича тадқиқот ўтказишган. Уларнинг таъкидлашича, Хитой маҳсулотларининг кириб бориши корхонанинг иш билан таъминлаш кўрсаткичларининг ўсишига салбий таъсир қилади ва қайта ишлаш саноатининг банкрот бўлиш эҳтимолини оширади [7].

Гросскоп “Самарали ишламаган ишлаб чиқариш жараёнида унумдорликнинг ўсиши технологиядаги ўзгаришларни ифодаловчи самарадорликнинг ўзгариши ва чегаравий ишлаб чиқариш функциясининг силжиши таъсиридир” деган фикрни беради. Унинг таъкидлашича, самарадорликнинг ўсишига самарадорликдаги ўзгариш ва технологиядаги ўзгаришлар таъсир қилиши мумкинлиги сабабли унумдорликни оширишга технологиядан самарали фойдаланишни оптималлаштириш учун инсон ресурслари салоҳиятини яхшилаш орқали самарадорликни ошириш ва эски технологияларни энг янгиларига алмаштириш орқали эришиш мумкин [8].

М.И.Кирон “Ҳосилдорлик” ва “Ишлаб чиқариш” икки хил атама эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳосилдорлик нисбий атама бўлиб, умумий ишлаб чиқариш ва унда қўлланиладиган умумий ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни кўрсатади, бошқа томондан ишлаб чиқариш мутлақ тушунча бўлиб, маҳсулот ҳажмини англатади. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиши мумкин, лекин ресурсдан самарасиз фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик пасайиши мумкин. Ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш унумдорликни ошириши мумкин, лекин ишлаб чиқариш ҳажми ошмайди. Ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш тизимининг якуний натижасини англатади, унумдорлик эса унинг самарадорлигини акс эттиради [9].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақола тўқимачилик саноати корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга бағишланган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича хорижий олимларнинг тадқиқот ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, қўлланиладиган маълумотларни таҳлил қилиш усуллари иккита асосий босқичга бўлинган. Булар самарадорлик ва маҳсулдорликни, шунингдек, самарадорлик ва импортнинг тўқимачилик саноати маҳсулдорлигига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат. Мақолада мавжуд муаммоларга тизимли ёндашув, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилди.

Ушбу мақолада фойдаланилган асосий маълумотлар манбаи 2010-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотларининг статистик кўрсаткичларидан иборат.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатда тўқимачилик саноатини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришишда бир қанча омилларни инобатга олиш зарур. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришишда ушбу соҳани ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жалб қилиш, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, табиий ресурсларнинг етарлилиги, маҳсулотга бўлган талаб, хомашё базасининг мавжудлиги, узлуксиз электр энергия билан таъминланганлигини муҳим омиллар сифатида кўриш мумкин. Ушбу омиллар тўқимачилик саноатининг ривожланишида бир-бирига узвий боғлиқ.

Ҳукумат томонидан тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама иқтисодий ва ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга белгиланган тартибда имтиёзлар жорий қилиш ушбу соҳанинг ривожланишига ва ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ортишига, бу эса аҳолининг иш билан таъминланишига сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқаришда замонавий, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш орқали рақобатбардош, сифатли ва замон талабига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига сабаб бўлади. Бошқа соҳалар сингари тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва самарадорлигини оширишда ишчи кучининг малакаси, ишлаб чиқариш жараёнига бўлган муносабати, замонавий технологиялар билан ишлаш тажрибаси, уларга яратилган меҳнат шароитлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ортишига сабаб бўлади. Саноат корхоналарининг сони ортиши натижасида электр энергияга бўлган талабнинг ортиши юзага келади. Саноатнинг ривожланиши эса бевосита электр энергиясига боғлиқлигини инобатга олсак, яқин келажакда саноатда электр энергияси етишмовчилигини тахмин қилиш мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш жараёни ва самарадорлигига салбий таъсир қилади. Бунинг олдини олиш мақсадида энергия тежамкор замонавий технологияларни яратиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш йўллари такомиллаштириш зарур. Юқоридагилар каби бир қанча ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни келтириш мумкин. Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни инобатга олиш орқали ишлаб чиқариш самарадор-

лигини ошириш ёки аксинча, ушбу омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг турғун ривожланишига, ишлаб чиқариш жараёнида юзга келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий ҳолатларни тўғри баҳолашга сабаб бўлади [10].

Тўқимачилик саноати ва тўқимачилик маҳсулотлари саноати эгалик қилинган технология даражасига кўра, капитални кўп талаб қилувчи саноат тармоқлари (юқори технологиялар), ярим капитал талаб қиладиган ярим саноат тармоқлари (ўрта технология) ва меҳнатни талаб қилувчи қуйи оқим тармоқлари (паст технологиялар) каби 3 та секторга бўлинган. Бундан ташқари ҳар бир корхонада самарадорлик даражаси ва унумдорлик ўзгаришини солиштириш учун тармоқларни гуруҳлаш амалга оширилади. Юқори саноат сектори капитал кўп бўлган сектор бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариши энергия (электр энергияси, ёқилғи ёки кўмир) мавжудлигига жуда боғлиқ. Энергия нархининг ўзгариши ва энергия мавжудлиги уларнинг ишлашига катта таъсир қилади. Бундан ташқари валюта курсининг турбулентлиги уларга ҳам таъсир қилади, чунки улар кўплаб импорт хомашёларидан, асосан, тола саноатида фойдаланади. Таҳлиллардан аниқланишича, саноат гуруҳлари бўйича тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари самарадорлиги тахминан 27,3-38,4 фоизни ташкил этади, бу жуда паст. Бошқа гуруҳлар билан таққослаганда, ип-калава саноати юқори самарадорлик даражасига эга, бу ушбу соҳадаги корхоналарнинг самаралироқ фаолият кўрсатаётганини кўрсатади.

Юқорида таърифланганидек, самарадорликнинг ўсишини аниқлаш учун маҳсулдорлик индекси ёндашуви қўлланилади. Ушбу тадқиқот доирасида Фарғона вилоятининг тўқимачилик саноати танлаб олинган бўлиб, Фарғона вилояти иқтисодиётининг ушбу секторини ривожлантиришда ижобий тенденциялар мавжудлигини таъкидлаш керак. Фарғона вилоятининг тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулотларининг жорий кўрсаткичлари ҳолати, самарадорлик даражасига импортнинг кириб бориши таъсири таҳлил қилинади.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, Фарғона вилоятининг 2000-2021 йиллар давомида тўқимачилик ва кийим-кечак саноатининг умумий маҳсулдорлик кўрсаткичи ўзгаришлар қиймати 1,14 ни ташкил этади, бу саноат унумдорлигининг 2,4 фоизга ошишини кўрсатади. Тўқимачилик саноатининг ўсишига ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва ишчиларнинг юқори технологияли замонавий машиналарда ишлай олиш маҳорати кўпроқ таъсир қилади.

Тўқимачилик саноатида умумий самарадорлик омиллари ва технологиянинг фоиз тақсимоми

Йиллар	Маҳсулдорлик ўзгариши			Самарадорлик ўзгариши			Технологик ўзгариш		
	↑	↓	↔	↑	↓	↔	↑	↓	↔
2000	0,49	0,41	3	0,40	0,51	2	0,52	0,34	0,25
2005	0,52	0,45	3	0,42	0,56	3	0,59	0,38	0,3
2010	0,57	0,41	2	0,33	0,86	1	0,93	0,4	0
2015	0,44	0,53	2	0,94	0,5	1	1	0,49	0
2020	0,53	0,45	2	0,21	0,78	1	0,84	0,45	0
2021	0,56	0,47	2	0,29	0,82	1	0,87	0,5	0
Ўртача	0,52	0,45	2,33	0,43	0,67	1,50	0,79	0,43	0,09

Эслатма: ↑ - ошириш; ↓ - пасайиш; ↔ - турғунлик

Жадвал маълумотларидан кўринадик, маҳсулдорликнинг ўсишига самарадорликнинг ўзгариши ўрнига технологиядаги ўзгаришлар кўпроқ таъсир кўрсатади, бунда ушбу соҳадаги корхоналарнинг 2000-2021 йиллардаги ўртача қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, технологик ўзгаришнинг ўртача ўсиши 0,79 ёки 79,0 фозни, пасайиши эса 43,0 фозни ташкил этган, бу ўша пайтда технология ривожланишига эга эди.

Бошқа томондан корхоналарнинг атиги 33,7 фоизи ўз самарадорлигини оширди, яъни ушбу соҳадаги корхоналарнинг ярмидан кўпи паст самарадорлик даражасига эга. Бу ҳолат, албатта, келажакда уларнинг рақобатбардошлик ва барқарорлик даражасига таъсир қилади. Бу соҳадаги 72 та корхонада ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра, кузатув даврида 24 та корхона унумдорликни оширишга эришган ва 48 та корхона ўз маҳсулдорлик даражасини пасайтирган. Бу борада вилоятда фаолият кўрсатаётган ип-калава ишлаб чиқарувчи корхоналар энг юқори маҳсулдорликка, яъни 2,14 га эришган, самарадорлик эса 1,4 га ўзгарган ва ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни киритиш 1,71 га тенг бўлди.

Натижалар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда барча соҳаларда самарадорликнинг ўсишига унумдорликнинг ўзгариши эмас, балки замонавий технологик ютуқлар кўпроқ таъсир қилиши аниқланди. Бу шуни кўрсатадики, аксарият корхоналарда замонавий технологиялардан фойдаланилмайди ва кадрлар малакаси доимий равишда ошириб борилмади, энг охириги технологик ўзгаришларга кам эътибор берилади, бунинг натижасида самарадорлик даражаси паст бўлади.

Барча секторлар бўйича тўқимачилик ва кийим-кечак саноатида маҳсулдорликнинг ўзгариши, умуман олганда, тўқимачилик ва тўқимачилик саноати корхоналари ҳар бир секторда маҳсулдорликнинг ўсишини таъминлади; юқори оқим – 8,4 фоиз, оралик сектор – 6,0 фоиз ва қуйи оқим сектори – 2,4 фоиз. Юқори тармоқдаги ҳосилдорликнинг ўсиши кўпроқ самарадорлик-

нинг ошиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан технологик ўзгаришлар пасайди. Бу оралик ва қуйи оқим тармоқларида содир бўлганидан мутлақо фарқ қилади, бунда самарадорлик даражаси 6,0-9,0 фоизга пасайган ҳолда технологик ютуқлар туфайли ҳосилдорлик ўсишига олиб келади.

Саноат гуруҳлари бўйича тўқимачилик ва кийим-кечак саноати маҳсулдорлигининг ўзгариши ип-калава саноати гуруҳидаги корхоналарнинг меҳнат унумдорлиги ўсиши 2021 йилнинг ўзида 46,4 фоизни ташкил этган ҳолда ўртача 15,7 фоизга ижобий тенденцияни кўрсатмоқда. Ушбу маҳсулдорликнинг ўсишига технологиянинг ривожланиши ҳам, самарадорлик ҳам таъсир қилади.

Ўртача энг паст маҳсулдорлик ўсишини таъминлаган саноат гуруҳи мато саноати гуруҳи ва бошқа саноат гуруҳлари бўлиб, улар 0,6 ва 0,7 фоизни ташкил этади. Бунинг сабаби технологик жихатдан янгиланишларнинг пастлиги, яъни 5,9 фоиз ва 14,5 фоиз ва паст самарадорлик даражаси 5 фоиз ва 12,1 фоизга тенг бўлганлиги билан ифодаланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ўрганилган маълумотлар ва таҳлилларга, шунингдек, хорижий тажрибаларга асосланиб, мамлакатимизда тўқимачилик саноати корхоналарининг самарадорлигини оширишда қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Танлаб олинган капитал зичлигининг ўзгарувчанлиги ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, капитални яхшилаш, яъни замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омиллари тўғри баҳолаш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига эришиш мумкин.

2. Замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқариш жараёнига олиб кириш билан биргаликда ишчи ходимларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан ишлаш кўникмасини шакллантириш, уларга қу-

лай меҳнат шароитларини яратиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

3. Аҳоли сонининг ортиб бориши тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўлган талабнинг кўпайишига, бу эса корхоналар томонидан энергияга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва бу орқали корхона самарадорлигини сақлаб қолиш ва ошириш мумкин.

4. Ҳукумат томонидан тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама иқтисодий ва ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга белгиланган тартибда имтиёزلарни такомиллаштириш ва жорий қилиб бориш, ушбу соҳанинг ривожланишига ва ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ортишига, бу эса аҳолининг иш билан таъминланишига сабаб бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Textiles and the environment: the role of design in Europe's circular economy <https://www.eea.europa.eu/publications/textiles-and-the-environment-the>
2. Sumanth D. J. Implementation Steps for a Productivity Measurement Programs in Companies. IIE Conf. Proc.
3. Amato L.H. and Christie H.A. "The Effect of Global Competition on Total Factor Productivity in U.S. Manufacturing". Review of Industrial Organization. 2001. 19: 407-423. Avenzora, A. Analisis Produktivitas dan Efisiensi Industri Tekstil dan Produk Tekstil di Indonesia Tahun 2002-2004.
4. Altomonte C., Alessandro B. and Armando R. "Import Penetration, Intermediate Inputs and Productivity: Evidence from Italian Firm". Working Paper: Dynreg 2008.
5. Jajri I. and Rahmah I. "Technical Progress and Labour Productivity in Small and Medium Scale Industry in Malaysia". European Journal of Economics, Finance and Administrative Sciences – Issue 15. Euro Journal, Inc., 2009, pp. 199-208.
6. Joshi R.N. and Singh. "Estimation of Total Factor Productivity in The Indian Garment Industry". Journal of Fashion Marketing and Management Vol. 14, No. 1, 2010, pp. 145-160.
7. Alvarez R. and Sebastian C. "David Versus Goliath: The Impact of Chinese Competition on Developing Countries". Working Papers Central Bank of Chile 478, Central Bank of Chile.
8. Grosskopf S. "Efficiency and Productivity», in Fried, H.O., C.A.K. Lovell and S.S. Schmidt (Eds.), The Measurement of Productive Efficiency: Techniques and Applications», Oxford University Press, New York, 1993, 160-194.
9. Kiron M.I. Factors Influencing Productivity in Textile Industry.
10. Баходиров Н.К. Тўқимачилик саноати корхоналарининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. // Xorazm Ma'mun axborotnomasi. 4/2022 йил.



ЎЗБЕКИСТОН СANOAT MAᖂSULOTLARI EKСПOPТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a64

Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич –
Иқтисодиёт фанлари доктори, Термиз давлат университети Иқтисодиёт кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон экспортининг ўсиши ва унинг таркибий ўзгаришлари таҳлил қилиниб, экспортининг таркибида қўшилган қиймат юқори саноат маҳсулотларини кўпайтириш орқали унинг барқарор ўсишини таъминлашни ошириш имкониятлари баҳоланган. Шунингдек, Ўзбекистон экспортини рағбатлантиришда имтиёزلар самарадорлиги таҳлил этилган, бу соҳада давлатнинг молиявий ёрдами самарадорлигини ошириш, экспортни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: экспорт, диверсификация, иқтисодий барқарорлик, молиявий ёрдам, экспортни қўллаб-қувватлаш.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТА ПРОМЫШЛЕННОЙ ПРОДУКЦИИ УЗБЕКИСТАНА

Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич –
доктор экономических наук, Термезский государственный университет доцент кафедры Экономики

Аннотация. В статье анализируется рост экспорта Узбекистана и его структурные изменения, оцениваются возможности обеспечения стабильного роста за счёт увеличения в её структуре промышленной продукции с высокой добавленной стоимостью. Также анализируется эффективность существующих льгот в продвижении экспорта Узбекистана, на основе которых разработаны научно обоснованные практические рекомендации по повышению эффективности финансовой помощи и совершенствованию мер по поддержке экспорта.

Ключевые слова: экспорт, диверсификация, экономическая стабильность, финансовая помощь, поддержка экспорта.